



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Наманганда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-хуқуқий асослари мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан ташкил этилган тадбирда халқ депутатлари Наманган шаҳри, Учкўрғон, Ўйчи, Норин, Чортоқ туманлари Кенгашларининг тегишли комиссиялари ва ишчи гуруҳи аъзолари, туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг шаҳар, туман бўлимлари раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида хуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омили бўлган сайлов институтининг мустаҳкам хуқуқий асоси яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги каби бир-бирини тўлдирувчи, мустаҳкамловчи қонунлар қабул қилинди.

Жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган сайловларни юксак савияда ўтказишда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун талабига қатъий риоя этилиши, ташкилий чора-тадбирлар белгиланган меъёрлар асосида амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Наманган вилояти комиссияси раиси Солижон Мўминов. — Бугунгидек тадбирлар мазкур жараён иштирокчиларининг бу борадаги билими, маънавияти ва тажрибасини янада оширишга хизмат қилади.

Семинарда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ва ишчи гуруҳининг асосий вазифалари, сайловнинг ташкилий-хуқуқий асослари, муносиб номзодлар кўрсатишнинг аҳамияти, сайловни ўтказиш тартиби ва яқинларини эълон қилиш, сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.

БАНДЛИК

Меҳнат ярмаркаси

Олтинсой туманида савдо, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва бошқа соҳалар ривожланиши натижасида кўплаб иш ўринлари ташкил этилмоқда.

— Туманимизда ҳар ой меҳнат ярмаркаси ўтказилади, — дейди Олтинсой туман Бандликка кўмаклашувчи маркази директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Баходир Тоғаев. — Бу борада бизга туман ҳокимлиги, прокуратура, ЎзХДП туман кенгаши, Халқ таълими

муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, касб-хунар коллежлари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмак бермоқда.

Яқинда Олтинсой қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди.

Унда коллеж битирувчилари, Қуrolли Кўчалар сифидан захирага бушатилган йигитлар, хотин-қизлар иш топиш имконига эга бўлди.

Иштирокчилар хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ва иш берувчи корхоналардаги шароитлар билан яқиндан танишди. Ушбу тадбирда 41 корхона-ташкilot 300 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди. 50 га яқин йигит-қиз ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

— Бундай тадбирлар партиямиз

дастурий максadларини таъминлашга хизмат қилади, — дейди ЎзХДП Олтинсой туман кенгаши раиси Рўзбой Лапасов. — Шу боис меҳнат ярмаркаларини ташкил этишда яқиндан ҳамкорлик қилиб келамиз. Туманимизда ҳозиргача мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланган бўлса, йил охиригача яна 2 минг 600 дан ортиқ кишини ишга жойлаштириш кўзда тутилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАЖРИБА



БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР

фаолиятида янги сиёсий технологиялардан фойдаланиш
долзарб аҳамиятга эга

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан намунали бошланғич ташкилотлар фаолиятини оммалаштириш мақсадида ташкил этилган амалий

семинар қатнашчилари ишчи Юнусобод туманидаги 52-сон оилавий поликлиникадаги бошланғич партия ташкилоти фаолиятини оммалаштириш мақсадида ташкил этилган амалий

— Бошланғич ташкилотлар билан ишлашни яхшилаш учун замонавий ахборот технологиялари, интернетдан самарали фойдаланиш керак, — деди ЎзХДП Хоразм вилоят

кенгаши сектор мудирини Жасурбек Рўзимов. — Бунинг ўзига хос қулай томонлари бор.

► Давоми 2-бетда.

ҚОНУН ВА ШАРҲ

Бухгалтерия ҳисобини юритиш:

хуқуқий асослар янада мустаҳкамланди

Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган бешинчи ялпи мажлисида демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштиришга, Асосий қонунимиз қоидаларини амалда рўйбга чиқаришга, мамлакатимиздаги инвестициявий муҳитнинг ўзига жалб этувчанлигини оширишга, аҳолининг турмуш

даражасини янада юксалтиришга, мамлакатимизда барқарорлик ҳамда фаровонликни мустаҳкамлашга қаратилган тўртта қонун қўриб чиқилди. Янги тахрирдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун шулар жумласидандир.

► Давоми 2-бетда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Соғлом болалик учун...



«Соғлом авлод учун» фондининг ёрдамини олиш мақсадидаги ота-оналар, энг аввало, фарзандларини тиббий кўрикдан ўтказишлари керак. Бунинг учун ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаларига, «Соғлом авлод учун» фондининг вилоятлардаги филиалларига ёки марказий аппаратига мурожаат қилишлари керак. Биз эса доимо ёрдамга тайёрмиз.

3

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ

тарихий ютуқларга
эришиш имконини
бермоқда

Польшанинг Лодз шаҳрида мамлакатимиз иқтисодий ва сармоявий салоҳиятининг тақдироти бўлиб ўтди. Тадбир Лодзин воеводаси губернатори Артур Багенски ҳамда минтақанинг Samopomoc Chlopska, Tex-Pol PNU, Forum Pracodawcow, Lodz Business Assistance, Lus-Europaе, Delektа, Bakalland сингари йирик саноат, ишлаб чиқариш, савдо компаниялари ва бошқа фирмалар вакиллари иштирокida ташкил этилди.

Артур Багенски Лодзин воеводаси губернатори:

— Ўзбекистонда саноат, технология жихозланиш, таълим ва илм-фан соҳаларида катта муваффақиятлар қўлга киритилди, — деди у. — Интеллектуал салоҳият ва инсон ресурслари мана шундай натижаларга эришиш имконини бермоқда. Бутун дунёда жиддий молиявий инқироз давом этаётганига қарамадан, Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигини катта сиёсий ва иқтисодий муваффақиятлар билан қаршиламоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатдорлик ва бир-бирини тўғри тушуниш асосида тобора ривожланиб бораётгани бизни қувонтиради. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Польша барча йўналишларда — иқтисодиёт, сайёҳлик, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистонни ҳеч иккиланмасдан янги саноатлашган давлатлар гуруҳига киритиш мумкин, чунки мамлакат бу тоифанинг асосий мезонларига мос келади — ялпи ички маҳсулотдаги саноат маҳсулотларининг юқори даражадаги солиштирма ҳажми мавжуд, тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги фоизи катта, аҳоли жон бошига даромадлар ҳажми ҳам юқори.

Хенрик Шодасевич, Samopomoc Chlopska тўқимачилик компанияси президенти:

— Лодзин воеводаси ҳақли равишда Польшанинг тўқимачилик маркази ҳисобланади, — деди у. — Бу ерда Европа ва жаҳонга машҳур тўқимачилик ишлаб чиқариш корхоналари жуда кўп. Лодзин компаниялари Ўзбекистонда ўтказилаётган юқори сифатдаги пахта толаларини таклиф этадиган пахта ярмаркасида ҳар йили қатнашади. Ўзбек пахтаси борган сари Польша фабрикалари учун хом-ашё базасига айланиб қолмоқда.

Ўзбекистон турли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш учун энг қулай бўлган минтақалардан бири ҳисобланади. Кейинги йиллар давомида республикада жуда оқилона ва ҳар томонлама пухта ўйланган аграр сиёсат юритилмоқда. Қабул қилинган қонуний ҳужжатлар эса эътиборга молик бўлган ижобий натижаларни қўлга киритишга кўмаклашмоқда.

«Жаҳон» АА,
Варшава.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ:
ТАҲЛИЛ ВА ТАЖРИБА

■ Туманлардаги бошланғич ташкилотларнинг ҳар ойда 2 тасини тарғибот-ташвиқот воситалари билан таъминлаш ишлари жадал олиб бориляпти.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР

фаолиятида янги сиёсий технологиялардан фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Сўхбатимизга қўлоқ солиб ўтирган **самарқандлик Озода Эгмазарова** ҳамкасбини қўллаб-қувватлади.
— Албатта, бу жуда яхши фикр, — деди у. — Бугун интернет хизматларидан фойдаланмайдиган одам бўлмаса керак. Вақт ва маблагнинг тежалишини инобатга олсак, имкониятлар икки баробар ортади. Сайтда ҳар бир туман, шаҳар учун алоҳида саҳифалар, уларнинг таркибига кирувчи бошланғич ташкилотлар ҳақидаги тўлиқ маълумот жойлаштирилиши лозим. Ана шунда одам битта тугмани босиб орқали ўзига керак бўлган ахборотни олиши, ўйлантираётган саволларига жавоб топиши мумкин.

Манзилга етганимизда, сектор мудирилари мунозарани семинарнинг иккинчи қисмида давом эттиришга келишиб олишди.

Намунали бошланғич партия ташкилоти хонасини кўздан кечиришимиз: ўтказилган ҳар бир тадбир, уларнинг иштирокчилари, мазмуни, натижаси, фуқаролардан бўлаётган мурожаатлар, ечимини топган масалалар ҳақидаги ва яна бошқа қўллаб-қўўжатлар тартиб билан жойлаштирилган. Хона бурчагида бошланғич ташкилот паспорти яратилган бўлиб, унда аъзолар ҳақидаги маълумот, уларнинг суратлари ўрин олган. Шунингдек, бошланғич ташкилот ва етакчининг кундалик режаси ҳам аниқ тузилган.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бепда.

Иштирокчилар бошланғич партия ташкилоти иши билан танишиш асосида ўзаро фикр алмашишди, ютуқ ва камчиликларни муҳокама қилишди.

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш учун янги таклифлар керак, — деди **ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши сектор мудири Зафар Очилов**. — Бугунги таърибда алоҳида келгуси ишларимизда ўз самарасини беради. Бундай семинарлар ҳар бир вилоятда, кейинчалик туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлайман.

Қизғин мунозара Тошкент вилоят партия кенгашида давом этди.

— Мана бу ўтказилган тадбирларимиздан лавҳалар, — деди **вилоят партия кенгаши сектор мудири Илмижаҳон Тлеубергенова**. — Ишимизни суратларга муҳрлашни одат қилганимиз. Партияимиз кенгаши аъзолари, округлар бўйича сайланган депутатлар ҳақидаги суратли маълумотлар хона бурчагидан жой олган. Шунингдек, бошланғич ташкилотлар аъзолари ҳамда сафимизга янги қабул қилинганлар тўғрисидаги маълумотларнинг электрон шакли ҳам ташкил этилган.

Иштирокчилар бинонинг иккинчи ва учинчи қаватига кўтарилиб, Тошкент шаҳар партия кенгашида олиб борилаётган ишлар билан танишишди.

— Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида партияимизнинг 1088 бошланғич

ташкилоти бўлиб, 36550 га яқин аъзони ўзида бирлаштирган, — деди **Тошкент шаҳар партия кенгаши сектор мудири Икhtiёр Салаев**. — Кўйи бугун фаолиятини янада жонлантириш, уларда иш юритиш тизимини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Туманлардаги бошланғич ташкилотларнинг ҳар ойда 2 тасини тарғибот-ташвиқот воситалари билан таъминлаш ишлари жадал олиб бориляпти.

Тошкент шаҳар партия кенгашининг мажлислар залида давом этган сўхбат чоғида **наманганлик Ойбек Абдурахимов** ўз таклифларини илгартирди. Оммавий ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, тарғибот ишларини кучайтириш учун сектор фаолиятини кенгайтириш кераклиги айтилди. Бу жараёнда фаол йигит-қизлар, ташаббускор етакчиларни сектор ишига жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. «Партия иши бир киши билан амалга ошмайди», деди у ўз сўзида.

Айтиш керакки, сўхбатлар давомида билдирилган ҳар бир таклиф, ўртага ташланган фикр Марказий Кенгаш масъул ходимлари томонидан қайд этиб борилди. Тушлик пайтида иштирокчилар бир-бирлари билан яқиндан танишишди, ҳудудларда олиб борилаётган ишлардан хабардор бўлишди.

— Бошланғич ташкилотлар хоналарида стендлар, яъни бурчакларни

ташкил этиш биз учун янгилик бўлди, — деди **андижонлик Сардор Қосимов**. — Мен вилоят партия кенгашининг сектор мудири бўлиш билан бирга, халқ депутатлари Андижон туман Кенгашидаги партияимиз гуруҳи раҳбари сифатида ҳам фаолият олиб бораман. Туманимизда 8 нафар депутат бўлса, уларга 46 бошланғич ташкилотни тақсимлаб бердик. Масалан, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ ҳўжалиги, маҳалла, ишлаб чиқариш ва яна бошқа соҳаларга ажратилган бошланғич ташкилотлар белгиланган депутатларга мурожаат қилади. Депутат бошланғич ташкилотлар етакчилари билан доимий алоқада бўлади. Шунингдек, уларнинг фаолиятини назорат қилиб боради.

Яна бир гап. Бошланғич ташкилот фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг етакчисига боғлиқ. Шунинг учун етакчиларнинг малакасини ошириб бориш зарур, деб ўйлайман.

Пойтахтимиздаги «Билим» ахборот-кутубхона маркази. Бу ерда ҳам иштирокчилар янги ташкил этилган бошланғич ташкилот фаолияти, кўргазмалар воситалар билан танишишди. Иш юритиш услуби ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шундан сўнг «Бошланғич ташкилот — асосий таянч» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда **ЎзХДП Марказий Кенгаш раиси ўринбосари Улўбек Вафоев**

семинардан кўзланган мақсад ва вазифалар, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш масалалари хусусида сўз юритди. Партияимиз таъсир кучини оширишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Алишер Қосимов бошланғич ташкилот етакчиларининг ташаббускорлиги ва талабчанлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Семинарда **ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Алишер Равшанов**, сектор мудири **Дониёр Каримов** мавзуга алоқадор масалаларда маъруза қилишди. Бошланғич ташкилотни электротар вакиллари билан ишлашнинг кучли воситасига айлантириш ва бу борада партия кенгашлари олдида турган вазифалар хусусида сўз борди. Бошланғич ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ ҳўжатлар мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилди.

Шу кун миноқавай партия кенгашларидаги бошланғич ташкилот секторлари томонидан олиб борилган намунавий ишлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир сўнггида билдирилган талаб ва таклифлар асосида сектор мудириларига алоҳида вазифалар топширилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ҚОНУН ВА ШАРҲ

Бухгалтерия ҳисобини юритиш: ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланди

Аввало, таъкидлаш керакки, амалдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, ҳўжалик операцияларини назорат қилиш, бухгалтерия ҳўжатларини сақлаш, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартибини қамраб олган. Лекин Қонуннинг айрим моддалари ва нормаларини қўллашда қирғи-йилларда қабул қилинган бошқа қонун ҳўжатларига нисбатан номувофиқликлар келиб чиқапти. Бу эса ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари ҳамда судлар фаолиятида маълум қийинчиликларни юзага келтираётган эди.

Яна бир муҳим томони, Бюджет кодексининг қабул қилиниши муносабати билан Қонунга 2013-2014 йилларда киритилган ўзгариш ва қўшимчалар бюджет

ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш, бошланғич ҳисоб ҳўжатлари масалаларида айрим ёндашувларни ўзгатириш ва молиявий ҳисобот шакллари қисқартириш имконини берди. Ўз навбатида, динамик ривожланаётган демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳўжатларини янада такомиллаштириш заруратини қўндирди. Шунинг учун Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

— Мазкур қонун бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш тизимини халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ янада такомиллаштиришга хизмат қилади, — дейди **Олий Мажлис Сенати аъзоси Гулистон Аннақилчева**. — Унда бухгалтерия ҳисоби ошқоралигини оширишга, бухгалтерия ҳўжатларини сақлаш муддатларига аниқлик киритишга, бухгалтерия ҳисоби субъектлари

раҳбарларининг ҳамда бухгалтерия хизматлари раҳбарларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ фарқлаб қўйиш орқали уларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган меъёрлар акс этган.

Фракциямиз қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга, келгусида бухгалтерия ҳисобининг шаффофлигини, ички назорат тизимини таъминлашга, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва бухгалтерларнинг ҳуқуқий масъулиятини кучайтиришга, шунинг билан бирга, мазкур соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қатор таклифларни ўртага ташлади ва уларнинг аксарияти инobatта олинди.

Қонунда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш билан боғлиқ бўшлиқлар

бартараф этилди. Айрим меъёрлар миллий қонун ҳўжатларига киритилган ўзгаришларга ва халқаро амалиётдаги бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш таъминотидаги мувофиқлаштирилди.

Қонун лойиҳасини парламент қўйи палатасида муҳокама қилиш жараёнида фракциямиз аъзолари партияимиз Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ўз нуқтаи назарини билдирди.

— Қонунда бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбарларига, бухгалтерия

ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишга доир ишларга, бухгалтерия ҳўжатларини сақлаш муддатларига қўйилган талаблар аниқ белгилаб берилгани алоҳида эътиборга молик, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси Қахрамон Мирзаев**. — Хусусий мулк ва тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишларни инobatга олган ҳолда, кичик корхоналар ва микрофирмалар молиявий натижалар тўғрисида бухгалтерия баланси ҳамда ҳисоботдан иборат тайёр молиявий ҳўжатни тақдим этиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасини парламент қўйи палатасида муҳокама қилиш жараёнида фракциямиз аъзолари партияимиз Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, ўз нуқтаи назарини билдирди.

Хусусан, фракциямиз қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга, келгусида бухгалтерия ҳисобининг шаффофлигини, ички назорат тизимини таъминлашга, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва бухгалтерларнинг ҳуқуқий масъулиятини кучайтиришга, шунинг билан бирга, мазкур соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қатор таклифларни ўртага ташлади ва уларнинг аксарияти инobatта олинди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур Қонун бухгалтерия ҳисобини юритиш таъминотидаги муносабатларни мустаҳкамлашга, унинг мақсад ва вазифаларини тўлиқроқ очиб беришга, соҳада ошқоралик ва хавфсизликни оширишга, ички назорат тизимини мустаҳкамлашга, бухгалтерларнинг ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг касбий фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Сиёсий партиянинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, таъсир кучи ошиши кўп жиҳатдан унинг электротар билан ишлаш механизмига боғлиқ. Шу боис ҳар бир партия унга ишонган, қўллаб-қувватлаган кишилар манфаатини ҳимоя қилиш учун барча имкониятларни ишга солади. Бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари қошида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мурожаатлар доимий эътиборда

Мисол учун, биргина Узун туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасини оладиган бўлсак, ўтган йили унга 50 га яқин, жорий йилнинг шу даврига қадар 10 дан ортиқ мурожаат бўлган. Туман партия кенгаши мурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳал этишда ҳамкор ташкилотлар, халқ депутатлари туман Кенгашига партияимиздан сайланган депутатлар кўмагига таянмоқда.

Ўш, мурожаатларда қандай масалалар кўтарилимоқда?

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Жамоатчилик қабулхонасига тушган мурожаатларнинг аксарияти коммунал хизматлар, бандлик масаласи, иш ҳақи, нафақа ва пенсияларни ўз вақтида олиш каби ижтимоий масалаларга тўғри келмоқда. Мурожаатлар партия фаоллари ва депутатлар томонидан пушта ўрганилиб, уларнинг аксарияти ҳамкор ташкилотлар ёрдамида ҳал этилди, қолганларига юридик маслаҳатлар берилди.

Маълумки, мурожаатлар таҳлили ҳудудда қайси йўналишларда муаммолар борлиги, нимага кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида ҳулоса қилиш имконини беради. Шунинг учун халқ депутатлари туман Кенгашидаги партияимиз гуруҳи аъзолари доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига масала киритишда Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатлар таҳлилидан унумли фойдаланишлари зарур, деб ўйлайман.

Электротар вакиллари жорий йилдаги мурожаатларига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг аксарияти ишга жойлаштиш масаласида бўлган. Жумладан, февраль ойида 3 нафар фуқаро ишга жойлаштиш бўйича мурожаат қилган. Туман партия кенгаши раиси сайҳаракати билан Лола Бердиева, Сайёра Абдуллаева, Наргиза Азизова «Сувоқова» давлат унитар корхонаси туман филиалига ишга жойлашди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, мазкур корхонада партияимизнинг бошланғич ташкилоти фаолият юритади. Зеро, мурожаатлар ижобий ҳал этилишида қўйи бугунларнинг ҳам хиссаси катта бўляпти.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада кучайтириш зарур. Бунинг учун, менимча, Жамоатчилик қабулхоналарини меъёрий-ҳуқуқий ҳўжатлар билан бойитиш ҳамда қабулхоналар иш қўлларини аҳоли учун қулай бўлган кўнларда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, қандай муаммолар бўйича мурожаатлар қайд этилаётганини мунтазам кузатиб бориш, намунали қабулхоналар иш тажрибасини оммалаштириш лозим.

Шу орқали партияимиз гоёларига хайрихоҳ кишилар ишончини оқлаш, электротар муаммоларига ечим топиш, жамиятдаги мавқеимизни янада мустаҳкамлашга эришамиз.

Фаррух АБЖАЛОВ, ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши бўлим мудири.

ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯ

■ Соғлиғи тикланган болалар, дарддан фориғ бўлган жажжи ўғил-қизлар қувончи, бахтиёрлиги бутун оламга татийди.

СОҒЛОМ БОЛАЛИК УЧУН...

Хар бир инсон фарзандининг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлишини истайди ва шунга интилади. Аммо ҳаётнинг тасодифлари, синовлари кўп. Хар доим ҳам одамнинг айтгани, тилагани бўлавермайди. Турли сабабларга кўра, гўдакларнинг носоғлом туғилиши ёки дунёга келгандан сўнг асоратли дарда чалиниши ҳам содир бўлиб туради.

Бу албатта, ота-онанинг кўнглини чўктириб қолмасдан, оиланинг ҳаловатини бузиб, бахтини кемитиб қилади. Ташвишига ташвиш қўшади. Тасалли-таскинга, нажот ва мададга муҳтож бўлиб қолади. Юртимизда бу муаммонинг ҳам ечими топилди. Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар туфайли туғиш ёшидаги ҳамда ҳомиладор аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга малакали тиббиёт хизмати кўрсатиш йўли билан соғлом фарзандлар туғилишига эришилмоқда.

Агар чақалоқ жисмоний нуқсон билан туғилган бўлса, пайти биров дарда чалинадиган бўлса, уни соғайтиришнинг чоралари кўришмоқда. Бу хайрли ишда соғлиқни сақлаш тизимидаги давлат муассасаларига нодавлат нотижорат ташкилотлар кўмакка келмоқда.

Хукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ана шундай ташкилотлардан биридир. Бугунги кунда ушбу фонднинг номи тилга олинганда ўнлаб хонадонлардаги юзлаб юрдошларимизнинг чеҳраси ёришиб кетади.

Сабаби, ушбу фонд жамоаси бемор ва ногирон болакайларнинг дардига малҳам бўлиб, қутилмаган бахтсизликдан гангиган ота-оналарнинг ғамини аритмоқда.

Мазкур фонднинг бўлим бошлиғи Жумабек Нуров билан суҳбатимиз шу мавзуга бағишланди.

— Фондимиз томонидан амалга ошираётган лойиҳалар халқаро хайрия ташкилотлари томонидан молиялаштирилади, — дейди у. — Асосан турли ташхисдаги бемор болалар жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун Германия, Корея ва Ҳиндистонга юборилади.

Германия билан ҳамкорлигимиз ушбу мамлакатдаги «Fridensdovf international» халқаро ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида имзоланган ҳамкорлик шартномаси доирасида амалга оширилади. Хар йили хорижий мутахассислар юртимизга ташриф буюриб, бир неча кун мобайнида бемор ва ногирон

болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш. Унинг натижасига кўра, ривожланишида туғма ёки орттирилган нуқсон билан, шунингдек, узоқ муддатли бир неча босқичли операцияга муҳтож бўлган болалар соғломлаштириш учун чет элларга жўнатилади.

— Асосан қандай дарда учраган беморлар хорижга юборилади?

— Лаб-танглай туғма нуқсони, бўйин ва оёқнинг туғма ортопедик нуқсонлари бўлган бемор болалар Фонднинг хорижий ҳамкорлари томонидан ажратилган грант дастури доирасида Ўзбекистон

клиникаларига даволанишга юборилган. 2016 йил 17 февралда эса яна 11 бола жўнатилади. У ердаги муолажалар 2-3 босқичда амалга оширилиб, 6 ойдан то 1 йилгача ва ундан кўпроқ давом этиши мумкин. Бу касаллиқнинг кечишига қараб белгиланади. Ҳозирги кунда 24 нафар бола германиялик шифокорлар қўлида даволанмоқда.

— Хорижга жўнатиш пайтида нималарга эътибор қилинади?

— Биринчи навбатда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва дарди узоқ муддатли жарроҳлик амалиёти талаб этадиган болаларга эътибор қаратилади. Хар йили германиялик мутахассислар томонидан тиббий кўриқдан ўтказиладиган 300 нафардан ортиқ 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларнинг 30га яқини шу талабга мос келади.



Республикасидаги клиникаларда соғломлаштирилади. Таянч-ҳаракат тизимининг туғма касалликлари ва жароҳатлар натижасидаги асоратлари, сийдик йўли ва оғзақ ҳазм қилиш тизимининг туғма нуқсонлари билан операцияга муҳтожлар, куйишнинг асоратлари оқибатида жисмоний ҳаракатларни келувчи чандикли контрактуралар ва уларнинг асоратлари бўлган болаларга хорижда даволаниш тавсия этилади.

— Ҳамкорлик туфайли қандай ижобий натижаларга эришилди?

— Ўтган давр мобайнида 300 дан ортиқ болаларда Германия клиникаларида жарроҳлик амалиёти ўтказилди. 2015 йилда 2 бора, жами 35 нафар бола Германия

— Чет элликлар ўтказадиган тиббий кўриқнинг даврийлиги қандай?

— Йилига бир марта. Бу йил ҳам 16-22 март кунлари германиялик мутахассислар юртимизга келиб, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда болаларни тиббий кўриқдан ўтказишди. Унинг натижасига кўра, икки марта февраль ва август ойларида бемор болалар Германияга даволанишга юборилди.

Яна бир қўшимча, ўтган йили хорижий ҳамкорлар Сингапур ва бошқа давлатлардан келган пластик жарроҳлар кўмаги билан 168 нафар (лаб-танглай туғма нуқсони ва куйишнинг асоратлари бўлган) бемор болада беғараз жарроҳлик амалиёти ўтказди.



— Ҳиндистон ва Жанубий Корея билан ҳамкорлик ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди қосида ташкил этилган ишчи комиссия томонидан навбат буйича болалардаги юрак туғма нуқсонини бартараф этиш буйича (фалло тетрадаси) мураккаб шаклдаги соғломлаштириш лойиҳаси амалга оширилди. Республикада клиникаларида бемор болалар тиббий кўриқдан ўтказилди. Унинг натижасига кўра, 10 нафар бола Ҳиндистонга жўнатилади. Ҳаммалари жарроҳлик амалиётидан ўтиб, соғлом ҳолда ота-онасининг бағрига қайтиб келишди. 2011 йилдан буён Жанубий Кореянинг «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти кўмагида беш босқичда 50 тадан, жами 250 жарроҳлик жараёнида ўта зарур бўлган «оксигенатор» олиб келинди ва 243 нафар юрак туғма нуқсони бўлган бемор болада Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида муваффақиятли операциялар амалга оширилди. Ушбу лойиҳа Соғлом она ва бола йилида ҳам давом эттирилмоқда.

— «Соғлом авлод учун» фонднинг мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорлиги масаласига тўхталсангиз.

— Ўтган йили республикамиз клиникаларида лаб-танглай туғма нуқсонлари бўлган 160 нафар, бўйин ва оёқнинг туғма ортопедик нуқсонлари бўлган 226 нафар, куйиш асоратлари билан 21 нафар болалар грантлар асосида жарроҳлик амалиётидан ўтказилди. Ҳозирги кунда ушбу жарроҳлик амалиётлари Тошкент давлат стоматология институти, Андижон, Фарғона, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида, ортопедик операциялар Андижон, Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида ҳамда республика психоневрологик касалхоналарида амалга оширилмоқда.

2004-2015 йиллар давомида республикамиз клиникаларида жами 4800 дан ортиқ бемор болалар жарроҳлик йўли соғломлаштирилди.

«Соғлом авлод учун» фонднинг ёрдами олинган ҳолда барча болалар, энг аввало, фарзандларини тиббий кўриқдан ўтказишлари керак. Бунинг учун ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаларига, «Соғлом авлод учун» фонднинг вилоятлардаги филиалларига ёки марказий аппаратида мурожаат қилишлари керак. Биз эса доимо ёрдамга тайёремиз.

Суҳбатдош Бахтиёр РИЗАЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁ

КЎЛ ТУБИДА
ўпирилиш ҳолати
қайд этилди



Хитой жанубидаги унча катта бўлмаган кўлнинг ўпирилиши натижасида, суви билан бирга тахминан 25 тонна балиқ ер тубига чўкиб кетди.

New China TV телеканалининг хабарига қараганда, маҳаллий фермер тонгги соат 4 да сув ҳавзасининг сатҳи пасайиб бораётганини кўрган. Эрталабки 9ларга бориб эса кўлни ер ютган.

Ҳозирча ўпкунининг ҳосил бўлиш сабаби номаълум. Аммо бунга унинг яқинидаги кон фаолияти таъсир қилган бўлиши мумкинлиги айтилмоқда.


Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу ҳодиса туфайли 75 минг доллар миқдорда иқтисодий зарар кўрилган.

МИСРГА ОЛИБ
КЕЛИНГАН ҲАР
БИР САЙЁҲ УЧУН
55 доллар тўланади



Миср сайёҳлик вазирлиги мамлакатга сайёҳлар ташрифини кўпайтириш учун авиакомпанияларни рағбатлантирмоқда. Олиб келинган ҳар бир сайёҳ учун авиакомпанияга 55 доллар тўланади. Дастлаб бундай дастури январадан апрелгача амалга ошириш режалаштирилган эди, кейинчалик эса уни яна бир ойга узайтиришга қарор қилинди.

МУҲОЖИРЛАР
Европа қадриятларини қабул қилиш тўғрисидаги қасамёдни имзолаши шарт



Бельгия ҳукумати Евроиттифоқга кирмайдиган давлатлардан келадиган муҳожирилarga «Интеграция қасамёди» — маҳаллий қадриятларини қабул қилиш ҳақидаги ҳужжатни имзолаши шарт қилиб қўйишни режалаштирмоқда.

Фақат шундан сўнггина улар мамлакат ҳудудида яшаш ҳуқуқига эга бўладилар. Мазкур ҳужжати Бельгияга 3 ойдан ортиқ муддатга келадиганлар имзолаши лозим, фақат талабалар бундан мустасно. Ҳужжатда муҳожирилр ҳар қандай террорчилик ҳаракатларига йўл қўймаслиққа ҳамда эҳтимолий ҳужумлар тўғрисида маълумотни етказишга ёзма равишда ваъда берадилар. Бельгия парламенти «муҳожир ҳужжати» ҳақидаги таклифи яқин ойлarda қабул қилиши кўтилмоқда, деб хабар беради РИА Новости.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши Ўзбекистон туман партия кенгаши раиси Йўлдошали Шокировага акиси **Фофуржон УСМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ағробанк» АТБ жамоаси банк ходими Мирвосик Жалиловга отаси **Мироди ЖАЛИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор эътиди.

БАНДЛИК

Маҳсулот тури
15 тага етди

Навоий вилоятидаги «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятида истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Икки йил муқаддам 7-тегирмон линияси ишга туширилиши билан йилга қўшимча равишда 350 минг тонна сифатли цемент ишлаб чиқаришга эришилган. Ўтган йилнинг баҳор ойларида эса оҳақ ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, 40 га яқин иш ўрни яратилди.

Тайёрланган 20,5 минг тонна оҳақнинг 65 фоизи хорижга экспорт қилинди. Жорий йилда маҳсулотлар турини кўпайтириш мақсадида яна бир янги лойиҳа амалга оширилди.

— Корхонамизда Испания фирмасининг 6 йўлкали темир-бетон плиталари ишлаб чиқарадиган технологик тармоғи ишга туширилди, — дейди корхонанинг сифат назорати бўлими бошлиғи Зайниддин Курбонов. —

Унинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 162 минг кв.м га тенг. Маҳсулот маҳаллий хомашёдан тайёрланаётгани сабабли таннархи ҳам анча арзон. Энг муҳими, 24 янги иш жойи очилди.

Бугунга келиб, корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар тури 15 тага етди. Келгуси йилда йирик қувватли компрессор цехини ишга тушириш режалаштирилган.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

ЕР УЧАСТКАЛАРИ БЕРИШ ТАРТИБИ
янада такомиллаштирилмоқда

«Тадбиркорлик субъектларининг шаҳарсозлик фаолиятида танлов асосида ер участкалари берилишининг хусусиятлари» мавзусида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда «Давархитектур» хамда «Ергеодекастр» давлат кўмиталарининг раҳбар ва масъул ходимлари, бош лойиҳа институтлари, Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бoш бошқармаси ва қурилиш бoш бошқармаси вақиллари қатнашди. Маълумки, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш буйича чора-тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш ва қурилиш учун рухсатнома-лар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди.

Анжуманда таъкидландики, ушбу қарор билан қуйидаги масалаларнинг ечими кўзда тутилган:

— қурилишга ер участкаларини

ажратиш ва қурилиш-монтаж ишлари хамда «Ергеодекастр» давлат кўмиталарининг раҳбар ва масъул ходимлари, бош лойиҳа институтлари, Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бoш бошқармаси ва қурилиш бoш бошқармаси вақиллари қатнашди. Маълумки, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш буйича чора-тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш ва қурилиш учун рухсатнома-лар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди.

— танлов фаолиятининг зарурати имкониятига эриштириш; — қарор ижроси юзасидан кўмитамиз томонидан танлов комиссиялари аъзолари — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вақиллари, вилоятлар бош архитекторлари ва давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари хамда «Кўчмас мулк савдо хизмати» МҲЖнинг ҳудудий филиаллари раҳбарлари ва алоқадор вазирликлар ва идоралар вақиллари учун семинар-тренинг ўтказилди, — дейди «Давархитектур»нинг кўмитаси раисининг ўринбасари Асомиддин Тожиев.

— Шунингдек, «Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга биноан қўлланма ишлаб чиқилди.

Бугунги кунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси

— тадбиркорлик субъектларининг ер участкаларига эҳтиёжи тўғрисидаги маълумот базасини яратиш ва уни мунтазам янгилаб бориш; — танлов фаолиятининг зарурати имкониятига эриштириш; — қарор ижроси юзасидан кўмитамиз томонидан танлов комиссиялари аъзолари — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вақиллари, вилоятлар бош архитекторлари ва давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари хамда «Кўчмас мулк савдо хизмати» МҲЖнинг ҳудудий филиаллари раҳбарлари ва алоқадор вазирликлар ва идоралар вақиллари учун семинар-тренинг ўтказилди, — дейди «Давархитектур»нинг кўмитаси раисининг ўринбасари Асомиддин Тожиев.

— Шунингдек, «Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга биноан қўлланма ишлаб чиқилди.

Бугунги кунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси

«Давархитектур»нинг кўмитаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бoш бошқармалари томонидан туман ва шаҳар бoш архитекторлари билан биргаликда республика буйича 1947 ер участкаси танланган ҳолда барча вақолатли ташкилотлар билан келишилди. Уларнинг асосий қисми Қашқадарё вилоятига (594), Қорақалпоғистон Республикасига (558) ва Хоразм вилоятига (550) тўғри келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Низомга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан архитектура ташкилотлари хамда «Кўчмас мулк савдо хизмати» МҲЖ билан тегишли шартномалар тузилгандан сўнг ушбу ер участкаларининг рўйхатлари танловга чиқариш учун қайд этилган ташкилотларга юборилади.

Матбуот анжумани якунида мутахассислар оммавий ахборот воситалари вақилларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАЛАРИ

мақола ва кўрсатувларимизнинг бош мавзуси бўлади

Бу — хитойлик журналистларнинг фикри

Шанхай Хамкорлик Ташкилотига Ўзбекистон раислик қилаётган жорий йилда юртимиз тараққиётига асос бўлган «Ўзбек модели»га хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан қизиқиш ҳар доимидан ҳам юқори бўлмоқда.

— Ўзбекистон ҳар йили ЯИМ ҳажми 8 фоиз атрофида ўсиб бораётган дунёдаги кам сонли давлатлардан бири эканлиги эътиборимизни тортди, — дейди ХХРнинг Шэньси провинцияси халқ ҳукумати телерадиокорпорацияси бўлим мудири Се Нан. — Биз бир ҳафта давомида ўзимиз учун гоёт гўзал, халқи меҳмондўст ва тинчликсевар ҳамда бағрикенг мамлакатни кашф этдик.

Ўтган йили 16 нафар фарғоналик журналистлар Хитойда бўлиб, унинг энг йирик саноат корхоналари, ўқув юрлари, илмий муассасалари фаолияти билан танишган, ОАВ тахририятларида ўзaro тажриба алмашганди. Хитойлик бир гуруҳ журналистлар Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими тақлифига биноян юртимизга келди. Улар бир ҳафта давомида Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқандда ҳамкасблари билан учрашди. Изчил ривожланаётган юртимиз иқтисоди ва таълим соҳаси билан яқиндан танишиб, юртимиз ҳақида «Мустақил Ўзбекистоннинг шахдам одимлари» номли туркум телекўрсатув

учун лавҳалар тайёрлади.

Фарғона ва Хитойнинг Шэньси провинцияси журналистлар ижодий уюшмалари келгусида ахборот алмашиш, ҳамкорликда ўқув-семинарлар ўтказиш, муҳбирларнинг малакасини ошириш масалаларида ҳам келишиб олдилар.

— Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё, балки қитъамизда жадал ривожланаётган давлат эканини кўрдик. Қўшма корхоналарда хорижий инвесторларга қулай шароитлар яратилган. Фарғона ва Самарқанднинг интенсив боғлари Европа ёки Хитой боғларидан сира қолишмайди. Мамлакат раҳбарининг ёшларга бераётган эътибори хайратланарли даражада. Мен шу мавзулар юзасидан «Ўзбекистондан мактублар» руқни остида туркум мақолалар ёзишни бошладим, — дейди Шэньси провинцияси халқ ҳукумати телерадиокорпорацияси бўлим мудири Цзя Юйфен.

— Тошкентда Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциациясида ҳамда Самарқанд вилояти тадбиркорлари билан бўлган учрашув менда унутилмас таассурот қолдирди, — дейди «Шэньси жибао» газетасининг муҳбири Чжао Сюянь. — Ўзбекистон хусусий мулк таъминлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида анча илдамлаб кетибди.

— Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Қўқондаги тарихий обидалар бир умрга қалбимиздан жой олди, — дейди Шэньси телерадиокор-



Фаруқ АЛИЕВ ошган суратлар.

Хитойлик журналистлар Буюк Ипак йўлидаги қўшна Марғилонда хунармандчилик, хусусан, ипакчилик соҳасида иш олиб бораётган устаоздалар суҳбатига бўлдилар. Тошкент давлат шарқшунослик институтининг хитойшунослик факультетида ўқув жараёни билан танишдилар. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг янги биносини бориб кўрдилар.

— Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Қўқондаги тарихий обидалар бир умрга қалбимиздан жой олди, — дейди Шэньси телерадиокор-

порацис тасвирчиси Цзоу Цзюнь. — Мен қўллаб мамлакатларда ижодий сафарда бўлганман. Лекин Ўзбекистон уларнинг ҳеч бирига ўхшамайди, бугунги кун ва тарих уйғунлашган жозибадор макон экан.

Тошкентнинг Бош майдони, Шаҳидлар жибони, Ҳазрат Имом мажмуаси, айниқса, хитойлик журналистларда катта таассурот қолдирди.

— Биз Фарғонада бўлганимизда Буюк Ипак йўлидаги қадим Кубода будда ҳайкали топилганини эшитиб, ҳайратга тушдик. Юртингизда

ўтмишда ҳам диний бағрикенглик ҳукм сургани эътиборга сазовор.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов билан шу ҳақдаги суҳбатимизни алоҳида кўрсатувга мавзу қилиб белгиладик, — дейди Се Нан.

Ҳамкасбларимиз шу йилнинг июнь ойида Шэньси провинциясининг маркази Сиань шаҳрида «Мустақил Ўзбекистон манзаралари» фото кўргазмасини ташкил этишни мўлжаллашмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

СПОРТ

Рио-де-Жанейро олимпиадасига яна етти йўлланма

Хитойнинг Қуинан шаҳрида бокс бўйича аёллар ва эркеклар ўртасида Осиё-Океания Олимпия саралаш мусобақаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг ўттиз беш мамлакатидан келган икки юз нафардан зиёд спортчи голиблик учун рингга қўтарилди.

Хитой рингларида вакиллари-миздан Хасанбой Дўсмаев (49 кг), Шаҳобиддин Зоиров (52 кг), Шаҳрам Ғиёсов (69 кг), Элшод Расулов (81 кг), Рустам Тўлаганов (91 кг), Баҳодир Жалолов (+91 кг), Ёдгорий Мирзаева (51 кг), Мафтун Мелиева (60 кг) ва Нафисахон Асқарова (75 кг)лар Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди.

Қувонарлиси, эркеклар ўртасида рингга қўтарилган олти боксчимиздан беш нафари мусобақанинг олтин медали билан тақдирланган бўлса, яна бир спортчимиз шохсупанинг фахри иккинчи поғонасидан жой олди.

Осиё чемпионати ва жаҳон чемпионати совриндори, ёзги Осиё ўйинлари голиби Элшод Расулов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди. Моҳир боксчимиз ҳал қилувчи жангда ўзининг азалий рақибини, 2012 йилги Лондон олимпиадаси кумуш медали совриндори



Адилбек Ниязимбетов (Қозоғистон)ни енгди.

69 килограмм вазн тоифасида рингга қўтарилган Шаҳрам Ғиёсов финалда тайландлик Сайлом Ардедан устун келди ва олтин медалга сазовор бўлди.

Шаҳобиддин Зоиров хитойлик Жиангуан Хуга қарши кечган финал баҳсида рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва шохсупанинг юқори поғонасига қўтарилди.

Бутунжаҳон универсиадаси голиби, Осиё чемпионати Хасанбой Дўсмаев жаҳон чемпионати совриндори филиппинлик Роген Лавиндо мағлубиятга учратиб, юртимизга олтин медал билан қайтадиган бўлди.

Яна бир моҳир боксчимиз Рустам Тўлаганов (91 кг) финалда хитойлик Фенггай Ю билан куч сиништириш лозим эди. Аммо ҳамкор-юртимизнинг рақибини жароҳати туфайли рингга чиқмади ва Рустам олтин медал билан тақдирланди.

Оғир вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Баҳодир Жалолов (+91 кг) ҳал қилувчи учрашувда қозоғистонлик Иван Дичкога очколар ҳисобида кичик фарқ билан имкониятни бой берди ва кумуш медал билан қифояланди.

Мусобақада аёллар ўртасида муносиб иштирок этган Ёдгорий Мирзаева (51 кг) ўзбек бокс тарихида янги саҳифа очди. У Индонезия, КХДР, Хитой-Тайпей боксчиларини енгиб, финалга йўлланма олди. Хал қилувчи баҳсда Ёдгорий хитойлик Канкан Ренга очколар ҳисобида ютқазди ва кумуш медал билан тақдирланди. Бу натижа истёвдодли спортчимизга ўзбек аёл боксчилари орасида биринчи бўлиб ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берганлиги билан эътиборлидир.

Шундай қилиб, бокс бўйича Ўзбекистон эркеклар терма жамоасининг қўлга киритган Рио-де-Жанейро олимпиадаси йўлланмалари сони ўнгага етди.

Қизларимиз ҳисобида эса ҳозирча битта йўлланма бор. Агар бокс бўйича 13-22 май кунлари София (Болгария)да аёллар ўртасида жаҳон чемпионати, 19-27 май кунлари Остона (Қозоғистон), 7-19 июнь кунлари Боку (Озарбайжон)да халқаро турнирлар ўтказилишини ҳисобга олсак, қизларимиз ҳисобидаги йўлланмалар сони яна орттишига умид қилсак бўлади.

Эслатиб ўтамиз, боксчиларимиз бугун юртимизга қайтиб келишади.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Туркиянинг Самсун шаҳрида дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи йирик халқаро турнир якунланди. Унда шу йил августда Рио-де-Жанейрода бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмалари учун рейтинг очколари ҳам ўйналди.

Дзюдочиларимиз ютуғи

Нуфузли мусобақада полвонларимиз Диеббек Ўразбоев (60 кг) ҳамда Дилшод Чориев (90 кг) бронза медали билан тақдирландилар. Аёллар ўртасидаги беллашувлар якунида Гулнора Матниёзова (70 кг) кучли

бешликдан жой олди.

Эслатиб ўтамиз, бир ҳафта муқаддам Тбилиси (Грузия)да ўтказилган Гран-при туркумидаги халқаро турнирда Диеббек Ўразбоев олтин медал билан тақдирланганди.

ЭЪЛОН

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ
ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТГА ТАНЛОВ
САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги Ц-17-18 даги 240-ЭАТСнинг 3-4 қаватидаги хоналари капитал таъмирлаш».

Буюртмачи томонидан белгиланган бошланғич нарх: ҚҚС билан 1 834 736 835 сўм, ҚҚСсиз 1528 947 363 сўм. Ишларни якунлаш муддати — 180 кун.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ўзбектелеком» АКнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали. Манзил: Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 22-уй.

Савдо ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Тошкент вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметини ҳийлатининг 20 фоизи миқдориди айланма маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва муҳтақисларга, ётарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўша шартномага қўйилган буюмга тақрибли ҳама ишончли бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари

қўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)дан тендер тақлифлари иштирокчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўронома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Тошкент вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй, 308-311-хоналар, тел: 241-15-26, факс: 241-15-37.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 200 000 (икки юз минг) сўм.

Ташкилотчиси (оферталар) танлов савдолари тақлифларини томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдолари тақлифларига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соатига.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 30 кундан сўнг Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 22-уйда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.
Гувоҳнома №001320

МУАССИС:

Bosh muharrir birinchi o'rinbosari: Farrux HAMROYEV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonano manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 459
15101
nuxsada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 00.00
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Temur XUDOYBERDIEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

